

# Қарздор киши фарзанд кўпайтиришга ҳаққи йўқми?

12:41 / 30.06.2019 1922

Ассалому алайкум! Ишим банкрот бўлиб катта қарзга кириб қолганман. Аллоҳ қодир қилганича қарзимни узмоқдаман. Йиллаб вақтлар кетади қарзимни узишга. Ёш уйланганман. Бир қиз фарзандим бор Аллоҳга шукур. Қарздор инсон фарзанд кўпайтиришга ҳаққи йўқми?

## **"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:**

- Ва алайкум ассалом! Кўпайтириш керак. Шунда хонадонга барака ҳам кириб келади. Фарзанд кўришни қарздорликка алоқаси йўқ. Валлоҳу аълам!